

## ШАҲАР АРИҚЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Адилов З.Х.**

Т.ф.н.профессор

**Мамажанова З.**

Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7198082>

**Аннотация.** Юртимиз шаҳарсозлигида ариқларнинг ўрни ёқолиб бораётганлиги ва бир қанча муаммолар юзига келиб чиқаётганлиги келтириб ўтилган. Ана шу долзарб муаммоларни ўрганиб чиқган ҳолда ариқларнинг шаҳарсозлик структурасидаги ўрнини ва вазифаларини кенг ёритиб бериш ва ландшафт дизайнини соҳасида замонавий мақбул ечим киритиши кўзда тутилган.

**Калим сўзлари:** шаҳар ариқлари, сув, аҳоли, даръё, хонадон.

### РОЛЬ И ФУНКЦИИ ГОРОДСКИХ АРЫКОВ СЕГОДНЯ

**Аннотация.** Мы видим, что урбанизация нашей страны закрывается и проблемы сталкиваются со многими проблемами. Изучая эти текущие проблемы, предполагается обеспечить широкий охват роли и функций архивов в структуре городского планирования и найти наилучшие возможные решения в области ландшафтного дизайна.

**Ключевые слова:** городские рвы, вода, население, река, дом.

### THE ROLE AND FUNCTIONS OF CITY DITCHES TODAY

**Abstract.** We see that the urbanization of our country is closing down and the problems facing many problems. Studying these current problems, it is envisaged to provide a broad coverage of the role and functions of the archives in the urban planning structure and to make the best possible solutions in the field of landscape design.

**Keywords:** city ditches, water, population, river, house.

### КИРИШ

Инсон дунёга келибдики, юрак ва қон томирлари орқали ҳаёт кечиради. Агар одамда қон томирларидан қон оқмас экан у бир кун ҳам яшай олмайди. Шундай экан, шаҳарни ҳам биз тирик организмга киёслашимиз мумкин. Шаҳар яшил майдонлар орқали нафас олса, унинг қон томирларини эса оқар сувлар ташкил этади. Шаҳримиздаги оқар сувлар: каналлар, ариқлар, анҳорлар пойтахтимизнинг иқлимини яхшилаб беради ва ҳавони намлантириб туради, ёзнинг жазирама кунда иссиқ ҳавони юмшатиб беради. Биз эса одамзот учун бебаҳо бўлган неъматларни асраб авайлаш зарурлигини, улар чексиз эмаслигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Азиз неъматимиз бўлган сувнинг ҳар бир томчисини асраб, кўчаларимизда оқаётган сувларни ифлосланишидан сақлаш, атроф муҳит соғлом бўлади. Зеро қадимда ота-боболаримиз ариқларда жилдираб оқаётган сувлардан истеъмол учун фойдаланишган. Катта мулкдоаларгина мешкобларда сув сотиб олиш имкониятига эга бўлганлар. Мешкобларда сувни Чимкент вилоятидаги Головачев чашмасидан олиб келтирганлар. Булоқ сувларининг нархлари ҳам қиммат саналгани ва танқис бўлганлиги сабабли фақат маблағи бор аҳоли қатламигина уни сотиб олиш мумкин бўлган. Аҳолининг аксарият қисми эса ўзининг сувга бўлган эҳтиёжларини ариқлар ёрдамида қондирганлар.


### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон уммон, дарё ва денгизлардан йироқда, қитъанинг деярли ўртасида жойлашган. Тарихда каналларнинг, ариқларнинг қандай мураккаб шароитларда барпо этилганини биламиз. Ҳозирги кунга келиб бу каналлар табиийдек кўринсада, аслида аجدодларимиз томонидан минг машаққатлар билан қазилган. Ҳалқ орасида “Ариқлар бундан уч минг йил илгари қазилган” деган тахминлар мавжуд. Қадимдан бизга маълумки инсонлар гўзал табиатга интиланлари, унумдор ерлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилганлар, ўзларига қулай шароитлар яратишган. Айниқса, соҳил бўйларида унумли тупроқлар кўплаб учраган сабабли аҳоли асосан суғориш объектлари ёқасида кўним топган. Масалан шаҳридаги Чирчиқ дарёсини бўйларини кўрайлик. Чирчиқ дарёси Сирдарёга бориб кўшиладиган ерда тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида шаҳар аҳолиси шаҳар аҳолиси Чирчиқ дарёсидан каналлар қазилган. Каналлар орқали ҳар бир хонадон ўз шудгорини суғориш, ҳосил унумдорлигига эришиш мақсадида кичик ҳажмдаги ариқлар қазий бошлашган. Ушбу ариқлар нафақат суғориш ишларида, балки маҳаллаларни сув билан таъминлаш ва ёгингарчиликлар оқибатида йиғилиб қолган сув оқимини аҳоли уйларига зиён етказмасдан ариқлар орқали оқиб кетишига хизмат қилган.



## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Каналлар ва ариқлар аслида инсон ўзини эҳтиёжларини қондириши натижасида юзага келган, бироқ ариқлар, каналлар, ховузлар ҳеч қачон табиий бўлмаган улар одамлар томонидат қизилган. Ушбу сув артерияларидан асосан ёз ва эрта баҳор мавсумида кўп фойдаланилган. Жазирама иссиқ бўладиган, иқлими қурқоқчилик, суғориб бўлмайдиган, деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ҳудудларда ҳам улардан кенг фойдаланилган. Ариқлар асосан ёгингарчилик кам бўлган пайтда қазиб, ишга туширилади.



## МУҲОКАМА

Ўзбекистоннинг бир қатор йирик шаҳарлари - Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва бошқалар ривожланган кўп тармоқли ариқлар тизимига эга. Ариқлар бугунги кунга келиб аксарият ҳолатларда шаҳар кўчаларида кўп учрайди. [Ариқларнинг жамият ҳаётидаги ўрни нақадар улканлиги республикадаги кўплаб топонимларнинг ариқ сўзи билан чамбарчас боғланганлигида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳолат, айниқса, Фарғона вилоятида кўп кузатилади (Оқариқ, Олтиариқ, Бешариқ, Кумариқ ва ҳоказо.)]



Қачонлардир ариқларда оқаётган сув ҳар бир уйга етиб борар ҳамда ҳар битта хонадон сув билан таъминланган, ховлиларда салқин иқлим яратилган эди. Ёши улуғларимиз чойхонааларда шилдираган ариқларнинг мусиқасини тинглаган ҳолда маданий хордиқ чиқарганларини тез-тез ёдга олишади. Тахминан йигирма йил буён кўпгина ариқларимиз бузиб ташланган ва сувсиз, қаровсиз аҳволга келиб қолган. Шаҳар кўчаларида ва сер қатнов магистрал кўчалардаги ариқларнинг талабга жавоб бермаслигини ёғингарчиликлар мавсуми бошланганида яққол сезамиз. Ёмғирлардан ҳосил бўлган сувлар оқими катта-кичик хажмдаги кўлмақларни ҳосил қилади ва кўчаларнинг транспорт серқатнов бўлган қисмида бир қатор муаммоларни юзага келтириб чиқаради. Такрор ва такрор айта оламизки Ўзбекистон шаҳарсозлигида ариқларнинг ва каналларнинг ўрни ниҳоятда муҳим. Юртимизда суғориладиган ерлар кўплиги сабабли ҳам ариқларга ва уларнинг функционал вазифаларига алоҳида аҳамият қаратишимиз зарур. Шундай экан сув иншоотларининг мажуд бўлиши, уларни доимий равишда тартибли сақланиши, қирғоқларини, ўзанларини озода сақлаш керак. Экологик ва эстетик нуқтаи назаридан қаралганида эса канал ва ариқларнинг тоза тутилиши атмосферани ёмонланишини олдиниолади олади ва шаҳарни тоза ҳаво билан маълум бир миқдорда таъминлаб беради. Сув ёқалари атрофида эса ландшафт дизайнини композицияларидан унумли фойдаланилган ҳолда қисқа мудатли дам олиш рекреацион ҳудудларни кенг тарқалишини таъминлаб бериш, аҳолини маданий ҳордиқ чиқаришларини кўзлаган ҳолда бугунги куннинг долзарб масалалар қаторига кириб келмоқда.

Шаҳардан ўтаётган сув хўжалиги иншоотларидан унумли фойдаланиш мақсадида Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 январ 3-сонли қароридида “Тошкент шаҳридан ўтаётган ариқ ва каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича комплекс чора тадбирлар дастури” эълон қилинди ва шу қарорлар асносида ишлар олиб борилмоқда. Мисол тариқасида Анҳор канали бўйларида, Салар канали бўйларида ободонлаштириш ишлари олиб борилганлигини ва аҳолини маданий ҳордиқ чиқаришлари мақсадида қулайликлар яратилганини кўришимиз мумкин. Ландшафт олимларининг изланишлари: Тадқиқотнинг илмий янгиллигини яратиш, шаҳар

сувбўйларини лойихалаштириш ва тадқиқот қилишга тизимли ёндошиш, илмий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда Тошкент шаҳри сув бўйлари территорияларини ревателизациясини амалиётга жорий этиш масалаларидан иборат.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки ариқларнинг ёқаларида Ландшафт композицияларидан, турили-туман, хушбўй гуллардан, ҳар – ҳил геометрик шакиллардан фойдаланилган ҳолда ландшафт композицияларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шаҳарда яшовчи аҳоли учун дарахтлар соясида дам олиш учун кичик ландшафт худудчалари ташкил этилмоқда. Ўзбекистонда ландшафт архитектураси миллий боғ-паркларимизни анъаналарини авлоддан-авлодга қолдириш сифатида ландшафт архитектураси муҳим масала сифатида анча ўсди.

## **REFERENCES**

1. Расмлар wikipedia.org дан
2. Х.Бўриева. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (II-боб)
3. Тошкент ариқлари: Рифат Гумеров